O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 19 февраль, № 35 (4950) Жума

# ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

**Истиқлол йилларида келажак авлоднинг билимли, соғлом ва жамиятимиз тараққиётига хизмат қилувчи етук касб эгалари бўлишлари учун улкан ишлар амалга оширилмоқда.**



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

***Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида рўй берган беқиёсислоҳотлар ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз ифтихор бахш этади. Зеро, бу борада қабул қилинган ҳужжатлар — "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли тизимда улкан янгиланишлар рўй берди.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Чунончи, Миллий дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, республика миқёсида янги — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими шакллантирилди, унинг улкан моддий-техника базасига асос солинди ва ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, бозор иқтисодиёти шарт-шароитларига мослаша оладиган, рақобатбардош кичик мутахассис-кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Миллий дастур асосида бугун ушбу жараёнга республикамиздаги 1508 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолияти йўналтирилган.

Таъкидлаш керакки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг моддий-техник базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, кейинги йиллар мобайнида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базаси мустаҳкамланди, катта миқдорда мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник воситалар ҳамда кўргазмали қуроллар харид қилиниб, таълим муассасаларига етказилди.

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш бўйича бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилди. Хусусан, охирги ўн йилда 5 та кредит (Осиё тараққиёт банки, Корея, Япония, Германия, Польша ҳукумати) ва 6 та грант (ТАСИС, Германиянинг техникавий ҳамкорлик ташкилоти, Швейцария ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги, Япония ҳукуматининг JICA) лойиҳалари самарали якунланди. Мазкур лойиҳалар доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари 130 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди, соҳада фаолият юритаётган 1400 га яқин ходим ривожланган давлатларда малака ошириб қайтди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Кредит фойда келтирмоқда

***АНДИЖОН. Олтинкўл туманида бўз матоси ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Сувюлдуз-текстиль" корхонаси иш бошлади.***

Банкдан олинган 150 миллион сўмлик маблағ эвазига бу ерда тўқиш ва гул босиш дастгоҳлари ўрнатилди. Корхона ички бозорга дастлабки 17 миллион сўмлик маҳсулотини чиқарди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги технологик линия

***НАМАНГАН. Жорий йилда "Учкўрғон соап экстракт" масъулияти чекланган жамияти томонидан юқори сифатли хўжалик ва атирсовунлар ҳамда глицерин ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.***

Мазкур истиқболли лойиҳа қиймати 1,9 миллион АҚШ долларига тенг. Шу кунга қадар хориждан йиллик қуввати 600 тонна глицерин, 1000 тонна атирсовун, 3000 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линиялар харид қилинди. Январь ойида эса корхонада 21,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Янги технологик линия жорий йилнинг иккинчи ярмига қадар ишга туширилади.

**Фахриддин КАЛОНОВ.**

### Маҳорат ва тажриба мактаби

***ФАРҒОНА. Марғилон шаҳридаги "Ёдгорлик" миллий ҳунармандчилик масъулияти чекланган жамиятининг моҳир атлас тўқувчилари Муҳаммаджон Каримов ҳамда Муроджон Исоқов Жаҳон банки сармояси асосида хайрли ишга қўл урдилар.***

Улар 6 ой мобайнида Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний туманларида бўлиб, ёшларга атлас, адрас, шойи тўқиш касб сирларини ўргатишди. Натижада 100 нафар хотин-қиз маҳаллий хом ашёдан бежирим ва нафис мато тўқиш маҳоратини ўзлаштирди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

***Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида бадиий гимнастика бўйича қизлар ўртасида давом этаётган XI Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари медаллар сони бўйича яққол пешқадам бўлиб туришибди.***

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

Мусобақанинг навбатдаги куни арғамчи, тўп, ҳалқа ва булавада машқ бажариш бўйича ўтказилган беллашувларда ҳар бир гимнастика предмети бўйича энг кучли саккизтадан спортчи ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Қувончлиси, мамлакатимиз-

**Халқаро турнир**

нинг энг кучли гимнастикачиларидан бири — Азиза Мамажонова Осиё қитъасида ҳам етакчи эканлигини амалда намойиш этмоқда. У тўп ёрдамида машқ бажаришда 23,925, булавада машқ бажаришда 22,8, ҳалқа ёрдамида машқ бажариш-



да эса 23,275 балл тўплаб, учта олтин медални қўлга киритди. Арғамчида машқ бажаришда эса 22,800 балл билан кумуш медалга сазовор бўлди.

— Бир нечта хориж давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда ғолиб чиққанман, — дейди А. Мамажонова. — Лекин ўз мамлакатингда, сени қўллаб-қувватлаб турган минглаб ишқибозлар олдида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой эгаллаш жуда мароқли экан. Айниқса, уларнинг тинимсиз олқишлаб туриши менга қўшимча куч бағишлади.

Яккалик баҳсларидаги тўртинчи олтин медалга Ҳусниябону Ғуломова сазовор бўлди. Унинг арғамчида бажарган машқлари ҳакамлар томонидан 22,950 балл билан баҳоланди. Терма жамоамизнинг яна бир вакиласи Сарвина Холиқова ҳалқада машқ бажариш бўйича 23 балл тўплаб, терма жамоамиз захирасига кумуш медални туҳфа этди.

Шунингдек, Малайзия, Қозоғистон ва Хитой терма жамоаси аъзолари ҳам яккалик беллашувларида совриндорлар сафидан жой олдилар.

Кеча ҳалқада машқ бажариш бўйича гуруҳ баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ольга Кирьякова, Зарина Қурбонова, Вероника Угай ва Луиза Ғаниева бронза медали билан кифояланишди. Биринчи ўрин Япония, иккинчи ўрин эса Хитой терма жамоаси қизларига насиб этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ, Ҳ. ПАЙДОЕВ (сурат) «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ҲАР БИР ШАХС ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ – БОШ МЕЗОН

***Жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири — мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувлик, сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитни яратишдир. Шу маънода, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини кафолатлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юксак самараларини бермоқда. Дунёдаги кўплаб давлатларни танг аҳволга солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юртимизда эришилаётган муваффақиятлар ҳам мустақил тараққиёт йўлимизнинг тўғри ва барқарор эканини яққол исботлади.***

Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, сиёсат, иқтисодиёт, суд-ҳуқуқ, маънавият ва бошқа соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди ва бу борадаги эзгу ишлар изчил давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Айниқса, ўтган 2009 йил кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида муҳим давр бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги, 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида буларнинг барчаси чуқур таҳлиллар билан асослаб берилди ва мамлакатимиз тараққиётининг галдаги босқичида бажарилиши зарур вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Ўтган йилда мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларни кўрсатиш мумкин. Сайлов Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашаётганини, аҳолининг сиёсий-ижтимоий савияси, фуқаролик онги ўсиб бораётганини ёрқин намоён этди. Сайлов жараёнида миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ҳамда талабларига тўлиқ жавоб берадиган шарт-шароит яратилди. Халқимиз бу сиёсий воқеада фаол иштирок этди ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Ислоҳотлар одамлар ҳаётини ўзгартирса, турмуш даражасини янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилсагина, кучли фуқаролик жамияти шаклланади, фуқаролар ана шу ислоҳотларнинг бевосита иштирокчиларига айланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган, мазмун-моҳиятига кўра, ана шу эзгу мақсадга хизмат қиладиган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш орқали 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинди. Ўтган йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсди. Энг муҳими, барқарор иқтисодий юксалиш аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди ва 2009 йилда юртдошларимиз даромадлари 26,5 фоизга кўпайди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани ва тобора такомиллаштириб борилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз".

Бугун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасига бўлган алоҳида эътибор туфайли янги босқичлар сари қадам қўйилмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди, мамлакатимизда адвокатларнинг ўрни ва мавкеи янада юксалди. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини изчил ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Биз ва жаҳон**

***Брюсселда дунё мамлакатларининг туризм, спорт ва дам олиш имкониятлари ҳақида маълумот берувчи 52-халқаро "Salon des Vacances" сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.***

# ЎЗБЕКИСТОН БРЮССЕЛЬ САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА

Кўргазмада Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини "Ansel Travel", "Dromen" "Djoser", "Hobo Reisen", "Terra Travel", "Kuoni", "Koningap" сингари туристик компаниялар ҳамда "Air Baltic" авиакомпанияси ваколатхонаси намойиш этди. Тадбир меҳмонларига ўзбек халқининг қадимий тарихи, бой маданияти ва сайёҳлик йўналишлари ҳақида маълумотлар берилди.

Ўн йилдан зиёд давр мобайнида мамлакатимиз билан ҳамкорликда ишлаб келаётган "Dromen" компанияси директори Г. Де Военинг таъкидлашича, ушбу компания кўмаги билан Ўзбекистонга борган барча сайёҳлик гуруҳлари бу ердаги хизмат кўрсатиш даражаси, инфратузилмаси ҳамда маҳаллий гидларнинг малакали фаолият олиб боришидан хурсанд бўлишди.

(Давоми 2-бетда).

# Кичик бизнеснинг катта имкониятлари



**Бир рақам шарҳи**

Мамлакатимизда **2010** йилда кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасини

**7** фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

***Бундай имтиёз юртимизда кичик бизнес ривожини янада рағбатлантиради. 2010 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилишидаги улуши 52,5 фоизга етказилиши мўлжалланмоқда. Кичик бизнеснинг жадал ўсиши халқимиз реал даромадини ошириш билан бир қаторда, янги иш ўринларининг кўпайишига олиб келади.***

# ҲАР БИР ШАХС ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ — БОШ МЕЗОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи мустаҳкамлангани — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг самарали механизмларидандир. Кейинги йилларда ушбу йўналишда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари соҳада амалга оширилаётган янгиланишларнинг яхлитлигини таъминлаб, соҳа ходимларининг касб этикаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш механизмини мустаҳкамлади. Қонунчиликка адвокатнинг процессуал мақомини кенгайтиришга қаратилган нормаларнинг киритилиши жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминламоқда. Адвокатура соҳасига қўйилаётган талабларнинг қатъийлиги фуқароларга кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатининг тобора яхшиланишига хизмат қилаётир.

Суд қарорларини ижро этиш тизимини, прокуратура фаолиятини такомиллаштириш йўлидаги босқичма-босқич ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бутун дунёда улкан қизиқиш уйғотди. Бунинг самарасида Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Мамлакатимиз Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтирилди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар 2009 йилда 2000 йилдагига нисбатан 53,5 фоиз қисқарди. Яъни судланганлик ҳолати сўнгги тўққиз йилда 20,4 фоизга камайди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви одил судлов сифатини ошириш имконини берди.

Айни пайтда соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш, белгиланган вазифаларни ҳаётга тўла татбиқ этиш борасида зарур чоралар кўрилмоқда. Бу ишларнинг самарасини фуқароларнинг судларга бўлган ишончи тобора ортаётганида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 2000 йилда мамлакатимиз бўйича 95 мингга яқин фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 256 мингдан ортиқни ташкил қилди. Уларнинг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,4 фоиз иш бўйича даъволар қаноатлантирилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2009 йилда 806 мингдан зиёд суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилгани суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда қўшимча кафолат бўлаётир. Хусусан, ярашув институти туфайли кейинги тўққиз йил ичида салкам 95 минг нафар кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилди. Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 16 мингга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ўтган йилда ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчиллик билан давом эттирилди. Жумладан, амалдаги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амнистия актларининг судлар томонидан амалга оширилиши, жиноят-процессида гувоҳнинг ўз ҳуқуқларини адвокат ёрдамида ҳимоя қилиши билан боғлиқ тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга йўналтирилган муҳим қадамлардан бўлди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2009 йилда қарийб 34 минг нафар шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилди.

Умумюрисдикция судлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Бу йўналишдаги ишларни тўғри ва изчиллик билан олиб бориш мақсадида Олий суд пленуми мажлисларида тегишли қарорлар қабул қилиниб, ишларни кўришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш масаласида суриштирув, тергов органлари ҳамда судларга батафсил тушунтиришлар берилди.

Шу ўринда 2008 йилда судлар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ 265 та иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб, 250 таси бўйича даъволар қаноатлантирилган бўлса, 2009 йилда 360 та ҳал қилув қарори чиқарилиб, 356 ҳолат бўйича даъволар қаноатлантирилганини айтиб ўтиш жоиз. Бундан кўринадики, иқтисодиётимиз таянчи бўлган тадбиркорлар манфаатлари давлат, жамият ва суд ҳимоясида. Бу миллий қонунчилигимизда кафолатланган хусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркор эркинлигининг амалдаги ифодасидир.

Олий суд судьялари ва ходимлари 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳларда фаол қатнашиб, 62 та қонун лойиҳаси ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Олий суд судьялари ва консультантлари йигирмадан зиёд хориж экспертлари иштирокида ўтказилган халқаро семинар, тренинг ва конференцияларда иштирок этди.

Суд тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайли соҳа ходимлари малакасини ошириш, иш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, замонавий андозалар даражасида меҳнат шароитини яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар бажарилди. Жумладан, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўла фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратилди.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш ишларида фаол иштирок этиш суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг ҳам устувор вазифаларидандир. Мазкур Дастурда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса суд тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Жамиятимиз тараққиёти йўлидаги бу эзгу саъй-ҳаракатлар, кенг қамровли ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу ишларга ҳисса қўшиш, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида астойдил меҳнат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.**
**(ЎзА).**

# ИҚТИСОДИЁТ хабарлари

## Бўлажак ишбилармонлар маскани

***“Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази лойиҳаси асосида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлик” соғломлаштириш мажмуасида ёш тадбиркорлар мактаби фаолият бошлади.***

Тадбиркорлик соҳасига кириб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур мактабда ўн етти ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган иқтидорли йигит-қизлар тадбиркорлик фаолиятига доир билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Айни пайтда мактаб машғулотларига жалб этилган 30 нафар иқтидорли йигит-қиз 200 нафардан ортиқ ёшлар орасидан танлов асосида саралаб олинган. Улар иқтисодчи олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида тадбиркорлик фаолиятини самарали йўлга қўйиш борасида машғулот ўтадилар.

Таъкидлаш жоизки, мазкур амалий ва назарий дарслар “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа ташкилотлар кўмагида ўтказилмоқда.

Машғулотлар бир ҳафта давом этади.

**Ф. БЎТАЕВ.**

## Сув тармоқлари таъмирланди

***Президентимизнинг “2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида беш йиллик дастур ишлаб чиқилган эди.***

Унда 113 та мелиоратив объектда тиклаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, 2 та объектни янгидан бунёд этиш ва 9 тасини капитал реконструкция қилиш белгиланганди.

Республика гидромелиорация экспедицияси маълумотларига кўра, дастур асосида шу кунга қадар минтақадаги 1 минг 54 километр узунликдаги зовур тармоқларида 8 минг 72 метр куб ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди. 43 та гидроқурилма, 2 та гидропост, 76 та кузатув қудуғи, 8 та насос станцияси сифатли таъмирдан чиқарилди.

Қисқа қилиб айтганда, ўтган йилда мазкур экспедиция жамоаси томонидан 14 та мелиоратив тизимда 4 миллиард 60 миллион сўмликдан зиёд иш поёнига етказилди. Натижада 239 та фермер хўжалиги тасарруфидаги 43 минг 13 гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Дастурга кўра, 2010 йилда яна 1 минг 325 километр узунликдаги 19 та объектда капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

**М. АЙТИМОВ.**

## Хизмат кўрсатиш янада такомиллашади

***Ўзбекистон савдо-саноат палатаси қошида “Palata cred invest” кредит уюшмаси очилди.***

Ушбу уюшманинг асосий мақсади хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларини микрокредитлар билан таъминлаш, шунингдек, жойлардаги юридик ва жисмоний шахсларнинг савдо ва саноат фаолиятига амалий кўмак беришдан иборат.

“Palata cred invest” мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшадиган тадбиркорларни кредит ресурслари билан таъминлаш мақсадида савдо-саноат палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда. Шунингдек, уюшманинг стратегик ривожланиш режасида мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштириш, корпоратив ва VIP-мижозлар сонини ошириш, жойларда ҳудудий филиалларни очиш каби мақсадлар ўрин олган.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда мамлакатимизда 103 та кредит уюшмаси мавжуд бўлиб, уларнинг 30 таси пойтахтимизда фаолият юритмоқда.

**Ф. ФУРҚАТОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН БРЮССЕЛЬ САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мана, икки йилдирки, “Ansel Travel” компанияси Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда, — дейди компания директори О. Маремани. — Биргаликдаги фаолиятимизнинг биринчи йили якунларига таяниб, Ўзбекистон, айниқса, маданий-тарихий сайёҳлик билан қизиқувчилар орасида машҳур, деган хулосага келиш мумкин.

— Ўзбекистон бебаҳо маданий меросга эга “Буюк Ипак йўли” чорраҳасида жойлашгани билан бирга, улкан сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакатдир. Бундан ташқари, мамлакатда экотуризм, ёшлар туризми ва дунёнинг турли қитъаларидан келувчи сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этадиган сайёҳликнинг бошқа йўналишлари ҳам ривожланмоқда, — дейди “Terra Travel” компанияси директори В. Виллекенс.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда сайёҳлик ва инфратузилмани, анъанавий ҳамда янги йўналишдаги сайёҳликни ривожлантириш борасида амалий чораларни кўрмоқда. Бу эса жаҳон андозаларига жавоб берувчи аэропорт, автомобиль йўллари ва халқаро даражадаги меҳмонхоналарнинг барпо этилишида намоён бўлмоқда.

“Air Baltic” авиакомпанияси менежери Ю. Сован икки йилдан буён мазкур авиакомпания Брюсселдан Рига орқали Тошкентга ва шу йўналишда тескари томонга авиақатновни амалга ошираётгани ҳамда тажрибада кўринаётганидек, ушбу йўналиш ўзини тўла оқлаётганини қайд этди. Авиакомпания келгусида Ўзбекистонга кўплаб европалик сайёҳларни жалб этиш сиёсатини янада фаолроқ олиб боришни режалаштирмоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

### Мардлар қўриқлайди Ватанни!

***Мамлакатимизнинг барча жойларида Президентимизнинг жорий йил 19 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида”ги қарори асосида белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари давом этмоқда.***

# ҲАМ ҒУРУР, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Хусусан, Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи маданият саройида ҳам ана шундай тадбир ташкил этилиб, унда “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ЁИҲ вилоят бўлими вакиллари, шунингдек, бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилди. Бу борада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим самараларидан бири — армияда ахлоқий-руҳий ҳамда маънавий муҳит бутунлай янгиланди. Энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга муносабат бутунлай ўзгарди. Эндиликда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки чин маънодаги шон-шараф ишига айланди.

— Фарзанд камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси, — дейди тантанали маросимда сўз олган Гавҳархон Нуралиева. — Бугун муддатли ҳарбий хизматга отланаётган ўғлимнинг ўзига бўлган ишончи, дадил ҳаракатларини кўриб, ана шундай бахтга муяссар бўлганимни ҳис қилдим. У ўз зиммасидаги шарафли вазифани сидқидилдан уддалашига ишонаман.

Армия — ҳаёт мактаби. Йигитлар у ердан мустақил ҳаётга мослашиб, янада жасур, эпчил ва зукко бўлиб қайтадилар. Яна бир эътиборли жиҳати, бугун аскарларимизга давлатимиз томонидан жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Масалан, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тегишли тавсияномага лойиқ топилган ёшлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзга эгалар. Наманган вилоятида ҳам ўтган йили кўплаб йигитлар ана шундай рағбат туфайли талаба бўлишди.

Тантанали маросимга йиғилганларнинг барчаси Қуролли Кучларимиз сафларига отланган ўғлонларга оқ йўл тиладилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги “Реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши асосида амалга оширилган ишлар натижасида, биргина, 2009 — 2010 ўқув йилининг ўзида ҳудудлардаги 118 та касб-ҳунар коллежида 62 та ихтисослик бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тўхтатилиб, талаб катта бўлган 90 та мутахассислик бўйича янгидан кадрлар тайёрлашга киришилди. 34 та касб-ҳунар коллежининг ихтисослиги ўзгартирилди.

Ўтган давр мобайнида ўқитувчиларимиз, мураббийларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги меҳнатлари қадр-қиммати, нуфузи янада ортди. Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” номли китобида “...Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”, дея мураббийларимизнинг, устозларимизнинг меҳнатларини қадрлаш, эъзозлашни давлат сиёсати даражасига кўтардилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 30 июлдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагог ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг янги механизми жорий этилди. Мазкур қарор асосида уларнинг ўртача ойлик маошлари 1,4 баробар миқдорида оширилди. Бундан ташқари, таълим муассасаларида “Директор жамғармаси” ташкил этилиб, тизимдаги педагог-ходимлар ўртасида ўзаро ижодий рақобат муҳити яратилди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, бугун мамлакатимиз ёшларининг ўз истак ва хоҳишларига кўра ўқиши, билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Президентимизнинг беқиёс ғамхўрликлари боис ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган кичик мутахассис-кадрларни иш билан таъминлаш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланиб, юз минглаб ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмак берилмоқда.

Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча ҳудудлардаги бошқармалари билан таълим муассасалари битирувчилари учун бўш иш ўринлари бўйича ярмаркалар, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда иш берувчи корхоналарни жалб этган ҳолда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунинг натижасида аксарият ёшларимиз ҳали дипломни қўлга киритмасдан турибоқ, ўз иш жойларига эга бўлаётганликлари, эгаллаётган соҳа йўналишларига мос келадиган корхона-ташкилотларга бориб, амалиёт ўташ жараёнида ўз келажакларини белгилаб олаётганликлари қувонарлидир.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Соғлом авлод учун” ва “Сен ёлғиз эмассан” жамғармалари ўсиб келаётган ёш авлод орзу-истаклари, ўй-хаёлларини рўёбга чиқариш йўлида самарали хизмат қилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги давлат мукофоти ва “Ниҳол” мукофотининг таъсис этилиши, “Янги авлод” ҳамда “Келажак овози” кўрик-танловлари Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фарзанднинг истеъдоди ва қобилиятини кашф этиш ҳамда юзага чиқаришга имкон бермоқда. Жумладан, иқтидорли ўқувчи ва талаба-ёшларни аниқлаш ҳамда уларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган “Келажак овози” Республика танловининг якуний босқичида 2006 йилда 8 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ғолиб бўлган бўлса, 2009 йилда уларнинг сони 26 нафарни ташкил этди.

Президентимизнинг “Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак”, деган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини янада юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқувчиларнинг турли халқаро ва республика олимпиадаларида, танловларда қатнашишлари учун ҳам барча шароит яратилган. Халқаро олимпиадаларда фаол иштирок этган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли ўқувчилари 2007 йилда Москва шаҳрида ўтказилган Халқаро Колмогоров ўқишларида битта бронза медалини қўлга киритган бўлса, ўша йили Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган Халқаро математик лойиҳалар мусобақасида бронза медали, 2008 йили Тошкент шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида битта олтин, битта кумуш, 2 та бронза медали ва 2 та диплом, 2009 йилда Бремен (Германия) шаҳрида ўтказилган 49-Халқаро математика олимпиадасида кумуш медали ва диплом, Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 43-Халқаро Менделеев олимпиадасида битта кумуш медали ва 3 та дипломга эга бўлдилар. Истеъдодли ёшларимиз санъат соҳасида ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, 2001 йил Францияда бўлиб ўтган А. Глазунов халқаро мусиқа танлови, 2005 йил Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Мастер-класс” халқаро мусиқа танлови, 2007 йил Литвада бўлиб ўтган 2-халқаро ёш пианиночилар танлови, 2008 йил Парижда бўлиб ўтган Н. Рубенштейн 9-халқаро мусиқа танлови, 2009 йил Берлинда бўлиб ўтган 2-ёш мусиқачилар халқаро танловларида мутлақ ғолибликни қўлга киритган бўлсалар, ёш рассомларимиз 2008 йилда Ҳиндистонда ўтказилган “Шанкар — 2008” халқаро фестивалининг “Менинг Ватаним” мавзуидаги кўрик-танловида, шу йили Словакиянинг Братислава шаҳрида ўтказилган “Мен ҳаётни нечун севаман?” номли гиёҳвандликка қарши халқаро кўрик-танловда ўз ижодий ишлари билан иштирок этиб, мутлақ ғолиб бўлдилар. Уларнинг ушбу кўрик-танловда яратган ишлари бир йил давомида Европа давлатларида намойиш этилди ва махсус каталогларга киритилди. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ дунё миқёсида юксак марраларни забт этишга қодир ёшларимизнинг, уларни тарбиялаб вояга етказаётган устоз-мураббийларимизнинг нақадар катта салоҳиятга эга эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистонда болалар спорти соҳасидаги изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар миллионлаб ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига имкон бераяпти. Шу мақсадда 2002 йилда республикамизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари халқаро спорт мусобақаларида ҳам салмоқли натижаларни қўлга киритишди. Сўнгги ўн йил давомида тизим вакилларидан 597 нафар жаҳон чемпиони, 807 нафар Осиё чемпиони, 1117 нафар халқаро турнирларнинг мутлақ ғолиблари давлатимиз байроғини жаҳон спорт ареналарида юқори кўтаришга муяссар бўлдилар. Таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшларимиз Республика миқёсидаги спорт мусобақаларида 221 олтин, 379 та кумуш, 496 та бронза медалини қўлга киритиб, мамлакатимиз спортини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Бугун ҳар биримиз давлатимиз раҳбарининг таълим-тарбия соҳасидаги ишлар савияси, кўлами, мазмун ва моҳиятини юқори босқичга кўтариш борасидаги фикрлари баробарида қўйилган: “Бугун ёшларимиз қандай қадриятлар сари интилмоқда, қандай орзу ният ва ўй-хаёллар билан яшамоқда?” деган ўринли саволларига асосли жавоб топишга интилмоқдамиз, шу йўлда бор куч-ғайратимизни ишга солмоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, куюнчаклик билан билдирилган бундай фикрлар замирида ёшларимизнинг эртанги куни, тақдири ҳақида ғамхўрлик мужассам.

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши, ёшларимиз тарбиясига эътибор, мамлакат келажагини улар тимсолида кўришнинг амалий ифодасидир. Бунда барча эзгу саъй-ҳаракатларимизнинг негизида ёшларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам. Ушбу улуғвор ниятлар билан амалга оширилаётган бугунги фидокорона меҳнат эса миллат равнақига, демакки, абадиятга дахлдордир. Юксак мақсад сари ташланаётган дадил одимлар, шак-шубҳасиз, мамлакатимизнинг ёруғ келажагига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Шавкат ЖАВЛОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Даромадга барака кирди

***Буюк Британиянинг "Barclays" банки ўтган йилни фойда билан якунлади.***




"Рейтер" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, молия муассасаси 2009 йилда 11,6 миллиард фунт-стерлинг миқдорида даромад қилган. Бу 2008 йилдагига нисбатан 92 фоиз юқори кўрсаткичдир. Мутахассислар банклардаги мана шундай ижобий натижаларни мамлакатлар иқтисодиётининг секин-аста ўнгланиб бораётгани билан изоҳлашмоқда.

### Харидоргир машиналар



***Европа Иттифоқига аъзо давлатларда янги ишлаб чиқарилаётган автомобилларга бўлган талаб тобора ошиб бораяпти.***

Бу ҳақда Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси маълум қилди. Унга кўра, жорий йилнинг биргина январь ойида автоулов хариди 12,9 фоизга ортган. Ўтган вақт мобайнида энг кўп машина италияликлар томонидан сотиб олинган — 206,3 минг дона. Латвияда эса, аксинча, энг паст кўрсаткич қайд этилган. Бу ерда атиги 266 дона автомобиль сотилган, холос.

### Бой бўлишнинг уч сири

***Жаҳонга машҳур "Форбс" журнали бой бўлишнинг асосий уч сирини маълум қилди.***



Гап шундаки, бу борадаги хулосани тайёрлаш учун нашриёт ходимлари дунёдаги ўндан ортиқ миллиардернинг фикрларини ўрганишди. Ўтказилган таҳлиллар асосида қуйидаги жиҳатлар пулдор бўлишда ўта муҳим, деган фикрга келинди. Яъни, аввало, ҳар қандай омадсизликдан қўрқмаслик керак. Бундан ташқари, ҳар қандай муаммога ўзига хос қараш билан ёндашиш зарур. Учинчи, энг муҳим жиҳат эса, яхши турмуш ўртоғига эга бўлишдир.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЭРКИН ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

***Ривожланган давлатлар тажрибасига назар солсак, уларнинг иқтисодий юксалишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этганига амин бўламиз. Сабаби, кичик бизнес бозор иқтисодиёти шароитининг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини, маҳсулот турини тезкорлик билан ўзгартириш имкониятига эга. Бу эса корхонани банкрот ҳолатлардан сақлаб қолиши, шубҳасиз.***

**Изланиш**

Хусусий тадбиркорлик ривожланган жойда рақобат пайдо бўлади, ишлаб чиқариш суръати ортади, хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти ривожланади. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётнинг бу соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар туфайли улар шаклланиш жараёнидан ривожланиш босқичига қадам қўйди. Тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатиши, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириши, айтиш мумкинки, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар зиммасидаги вазифасини нечоғли бажаришларига ҳам боғлиқ. Шу маънода, пойтахтимизнинг Сергели туманида муайян муваффақиятларга эришилмоқда. Буни 2009 йил якунлари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Гап шундаки, ўтган йили саноат ишлаб чиқариш ҳажми 20,4 млрд. сўм (106,8 %), халқ истеъмол моллари тайёрлаш 26,1 млрд. сўм (136,4 %), умумий савдо айланмаси 116,8 млрд. сўм (134,1 %), пуллик хизмат кўрсатиш эса 22,9 млрд. сўм (107,9 %)дан ошиб, аввалги йилдагига нисбатан юқори ўсиш суръатларига эришилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги улуши 58,4 фоиз, халқ истеъмол молларида 74,8 фоиз, экспортдаги улуши 33,5 фоиз, пуллик хизматда 42,4 фоизни ташкил этганлиги бунга мисол бўла олади.

Албатта, бундай натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу кейинги пайтларда ҳудудда фаолият кўрсатаётган ночор корхоналар соғломлаштирилишининг самарасидир. Яъни бундай корхоналар ишбилармон мулкдорларга сотилиши, банклар ихтиёрига ўтказилиши, йирик монопол корхоналар негизида турли хил мулкчилик шаклидаги кичик корхоналар ташкил этилиши туфайли туманда 2197 та корхона самарали фаолият кўрсатмоқда. Шундан 1853 таси кичик бизнес субъектларидир.

Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори бўйича Сергели туманида маҳаллийлаштириш ҳудудий дастури ишлаб чиқилган. Унга "Ориент-мебель", "Еаст Колор", "Мебель", "Алюмакс индастриз" ва "Альфа пластик" қўшма корхоналари, "Драй Микс Технолоджи", "СВТ" ва "Мет Фур Сервис" масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, "Меҳрибон-Меҳржон" унитар ишлаб чиқариш корхонасининг жами 21 лойиҳаси киритилди.

Дастур доирасида жорий йилда ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Натижада кўплаб турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаяпти. Муҳими, бу аҳолининг бандлик даражаси ошишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Шу ўринда Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада қўшимча имкониятларни яратиб берганини айтиш жоиз. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан йирик корхоналарда 61, кичик саноат корхоналарида 735 та касаначиликка асосланган иш ўрни ташкил этилди.

Бундан ташқари, ўтган йили "Green World" қўшма корхонасига 5,0 млн. АҚШ доллари, "Файз" ОАЖга 734,1 минг АҚШ доллари, "Эспак трейд" МЧЖга 240,0 минг АҚШ доллари ва "Асл ойна" ОАЖга 36 млрд. сўм миқдорида инвестиция жалб этилиши натижасида 273 та янги иш ўрни яратилди.

Туманда тажриба тариқасида ташкил этилган "Алоқа — Сергели инвест" кредит уюшмаси фаолиятидан, айниқса, аҳоли мамнун. Гап шундаки, мазкур уюшма хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари дуч келаётган молиявий муаммоларни бартараф этишда яқиндан кўмак бераётир.

Қисқача айтганда, кейинги пайтларда Сергели тумани иқтисодиёти тобора ривожланиб бормоқда. Бири-биридан кўркам иншоотлар, гузар ва кўплаб хизмат кўрсатиш корхоналари бунёд этилиб, пойтахт кўркига кўрк бағишламоқда.

**Усмон УСМОНОВ.**


**Иш берувчилар диққатига!**
Ўз фуқаролик жавобгарлигингизни суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш – ижтимоий ҳимоя воситаси.

O'ZBEKINVEST, "O'ZAGROSUG'URTA", KAFOLAT, Alliance Insurance, ALSKOM, ASIA insurance, IShONCh, KAPITAL SUG'URTA, Standard Insurance, O'ZBEKINVEST HAYOT, UNIVERSAL SUG'URTA

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.

Хизматлар лицензияланган

90R/122


**Спорт**

***Жиззахда бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди. Бир ҳафта давом этган беллашувларда республикамиз вилоятларидан ва Қозоғистондан келган 300 нафардан зиёд боксчи 14 вазн тоифасида рингга чиқди.***

### Жиззахда халқаро мусобақа

Якунда самарқандлик Темур Аҳроров, Қашқадарё вилоятидан Олим Эминов, Олмалиқ шаҳридан Отабек Абдураззоқов, қозоғистонлик Ғалимжон Бекман, Жиззах тумани вакиллари Лазиз Ҳазратқулов ҳамда Мурод Ҳасанов ўз вазн тоифалари бўйича ғолиб бўлдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«РЕСПУБЛИКА СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ**

*барча ускуна етказиб берувчи корхоналарни ҳамкорликка чорлайди ва 2010 йил давомида харид қилинадиган синов ускуналари рўйхатини эълон қилади.*

- Сув термостати
- Микротўлқинли куллантириш ускунаси
- Термометр +1000 °С
- Мебель маҳсулотларини синаш ускуналари
- Керамик ва ошхона буюмларини синаш ускуналари
- Полимер хом ашёларининг оқувчанлик индексини аниқлаш ускунаси
- Муфель печи
- Белизномер ускунаси
- Климатик камера
- Ультратовушли қаттиқлик ўлчагичи
- Лазерли масофа ўлчагич
- «GWM 40L» электрон бурчак ўлчагичи (угломер)
- Электрон тарози
- Дилатометрик совуққа чидамлиликни аниқлаш ускунаси
- Иссиқликка чидамлиликни аниқлаш ускунаси
- Бетон чидамлилигини ўлчаш ускунаси
- Механик адгезиметр
- Муфель печи 1700 °С
- Электрон термометр
- Портатив тарози
- Центрифугалар
- Электр қаршилигини аниқлаш ускунаси
- Электрон анемометр
- Строганов ускунаси
- Лаборатория сочқичи
- Иссиқлик ўтказувчанликни ўлчаш ускунаси
- Ишқаланишни ўлчаш ускунаси
- «Автотест 01.04М» газ анализатори
- «ТОННИК» ёруғлик ўтказувчанликни аниқлаш ускунаси
- «ИСЛ-М» люксметри
- «М.100» тормоз шлангларини текшириш асбоби
- «ИПФ-01» ёритқич хусусиятларини ўлчаш асбоби
- «ЭФФЕКТ» тормоз тизими самаралигини ўлчаш асбоби
- «ППНР-100» динамометри
- Сут маҳсулотлари учун лаборатория центрифугаси
- «Альфа» универсал қурилмаси
- Шовқин даражасини аниқлаш ускунаси
- Лаборатория тегирмони
- Лаборатория аналитик тарозиси
- «П-125» гидравлик пресси
- Люфт ўлчагичи
- Капилляр вискозиметр
- «ТВО-11» ускунаси
- «Микон-2» иономери
- Пиво анализатори
- Ўсимлик ёғлари ёниш ҳароратини аниқлаш ускунаси
- Автоматик рефрактометр

*Мурожаат учун электрон манзил: 35_bulim@standart.uz Телефонлар: (8-371) 150-63-58, 246-43-97.*

97R/144



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ**

**Жиззах вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 5 декабрдаги 130507/2198-сонли ижро ҳужжати бўйича Жиззах шаҳри, Ўзбекистон тракти кўчасида жойлашган, «Осиё карвонсарой бозори» АЖнинг гаровга қўйилган, 1997 йилда ишга туширилган 12 460 кв.м. ер майдонидан иборат 21х24х6 м. ўлчамдаги 17 та савдо дўкони қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 447 952 500 сўм.*

Шунингдек, Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 21 октябрдаги 130507/2198-сонли ижро ҳужжати бўйича Жиззах шаҳри, Р. Исаев кўчасида жойлашган, «Эски шаҳар универсал бозори» АЖнинг гаровга қўйилган бозор мажмуаси (умумий фойдаланиш майдони — 4 678,36 кв.м., А, Б, В, Г литерларда 4 та «Кисловодск» типидаги бозор мажмуаси, 10 хонадан иборат Д литердаги жамоа уйи) қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 181 529 730 сўм.*

**Аукцион савдоси 2010 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган объектлар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и Жиззах филиалидаги қуйидаги иккиламчи ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452127, МФО: 00122, СТИР: 200933850.

Юқоридаги мулклар бўйича «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталарининг 2010 йил 13 февралдаги 14-сонида хабарномалар чоп этилган.

**Манзил: Жиззах ш., Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй.**
**Телефон: (8-372) 222-35-77.**

**Диққат!** ***Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.***

**www.rkmb.uz**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

128R/840



***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидаги объектларга танлов савдоси эълон қилади:**

**ЛОТ-1**

**Лот-1-1** **Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро мудофааси институтига тегишли ётоқхона биносини спорт зали билан реконструкция қилиш.**

**Лот-1-2** **Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қутқарувчилар малакасини ошириш ва тайёрлов маркази ҳудудини ободонлаштириш, тўсиқ ўрнатиш.**

**Буюртмачининг бошланғич нархи:** **лот-1-1: ҚҚС билан** — 1 145 591 738 сўм, **ҚҚСсиз** — 954 659 782 сўм;
**лот-1-2: ҚҚС билан** — 334 242 022 сўм, **ҚҚСсиз** — 278 535 018 сўм.
**Қурилиш муддати:** лот-1-1 — 8 ой, лот-1-2 — 12 ой.
Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.
**Савдо ташкилотчиси** — Тошкент вилояти «Тошконсалтингстройторг» давлат корхонаси.
**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 4-уй. Телефон: (8-371) 234-95-20.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида иштирок этаётган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифини баҳолашда маҳаллий қурувчилар учун қуйидаги нарх имтиёзлари қўлланилади: танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифи иштирокчилари томонидан кўрсатилган четдан келтириладиган ишлар (хизматлар) ва шунга асосан ишлар (хизматлар)ни олиб кирувчилар қонунчиликка кўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади, кўрсатилган солиқ бўйича нархи ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти «Тошконсалтингстройторг» давлат корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент ш., А. Навоий к., 18-уй, 308, 311-хоналар. Телефонлар: (8-371) 241-15-26, 241-15-32.**

***Танлов ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм.***

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 4-уй.**

125R/17






30R/1835


"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси жамоаси масъул ходим

**Алавуддин ХОДЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимининг кутубхоначиси

**Жамила НИЁЗМУҲАМЕДОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



*Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.*

**Ислом КАРИМОВ.**

# Водийларни яёв кезганда...

**Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида *"Маълумки, ҳозирги вақтда қишлоқларимизда анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда, замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, яъни мобиль телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда...***

***Биргина 2009 йилнинг ўзида фақат қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни очилди"*, дея алоҳида таъкидлади.**

## Қишлоқларимизнинг замонавий қиёфаси

**Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар қишлоқ жойларида ҳам улкан бунёдкорлик ишларини жадаллаштириб юборди. Натижада унинг қиёфаси тобора замонавийлашиб, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётир. Бунда ҳукуматимиз томонидан қишлоқда замонавий ашёлардан фойдаланган ҳолда, ҳар жиҳатдан мустаҳкам уй-жой бинолари қурилишини авж олдириш, шу мақсадда қурилиш индустриясининг янги қувватларини барпо этиш юзасидан бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилингани алоҳида аҳамият касб этаяпти. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.**

Вилоятимизда ҳам мазкур қарор талаблари изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган муддат ичида бир қанча қишлоқларда янги тураржой даҳалари барпо этишнинг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Режага кўра, биринчи босқичда коттеж типидаги 87 та бир ва икки қаватли тураржой биноларини тиклаш кўзда тутилган эди. Уларнинг барчаси 2009 йил охирида фойдаланишга топширилди. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий кўмаги билан бунёд этилган ана шу коттежларнинг ҳар бирида шинам меҳмонхона, катталар ва болалар учун алоҳида ётоқхона, ошхона, ванна, иситиш ва ичимлик суви тармоқлари мавжуд. Ҳовлида айвонча, молхона сингари ёрдамчи бинолар, ҳатто сўритоклар ҳам бўлиб, улар шаҳарнинг муҳташам ҳовлилари билан бемалол бўйлаша олади.

**Бунёдкорлик**

Янги тураржой даҳалари, шунингдек, вилоятимизнинг Уйчи, Поп, Учқўрғон туманларида ҳам барпо этилмоқда. Кўриниб турибдики, қурувчиларимиз учун иш кўлами етарли. Кейинги пайтда ўз фаолиятини бошлаган 60 та пудратчи ташкилот эса зиммамиздаги вазифаларни бажаришда, хусусан, деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ғишт тайёрлаш корхоналарининг қувватини ошириш, янгиларини ташкил этиш орқали қурилиш ашёларига бўлган эҳтиёжимизни қоплашда янги имкониятларни яратмоқда.

**Жорий йилда 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилади.**

Юртбошимиз қайси бир вилоятга бормасин, аҳоли билан учрашувлар чоғида қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шинам тураржойларни қуришга эътибор кучайтирилиши, узоқ муддатга ярайдиган бу бинолар икки-уч авлодга хизмат қилиши, улар атрофида яратиладиган маиший хизмат ва сервис шохобчалари инсон ҳаётига ўзгача мазмун киритиши хусусида алоҳида таъкидлайдилар. Юқорида қайд этилган қарор ижроси юзасидан бошланган кенг миқёсдаги амалий ишлар, аслида, қишлоқ аҳлига қаратилган шундай ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.



**Адҳамжон ДАДАБОЕВ,**
**Наманган вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси.**

### МАҚСАД — ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТ ОБОДЛИГИ

### 2009 йилда мамлакатимизда:

- "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини ижро этиш мақсадларига 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди;
- **Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуғи, 15 та мелиорация насос станцияси ва иншооти қурилиб, реконструкция қилиниши 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди;**
- қишлоқ жойларида салкам 500 мингта янги иш ўрни яратилди;
- **мураккаб иқлим шароитига қарамасдан, илк бор 7,3 миллион тоннадан зиёд дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди.**

### 2010 йилда республикамизда:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда;
- **иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда;**
- бундан ташқари, автомобиль йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратилади.

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

Чиндан ҳам, якунланган йил давомида амалга оширилган ишларга назар ташласак, бу борада улкан муваффақиятларга эришилганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, қишлоқ жойларда хизмат турлари кўпаётгани фақатгина аҳоли эҳтиёжини қондириб қолмай, балки қишлоқ аҳлининг, ёшларнинг доимий иш жойларига эга бўлишларида муҳим омил бўлаётир.

Таъкидлаш жоизки, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Бунинг замирида Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш сингари кўплаб масалаларга катта аҳамият қаратилгани мужассам, десак, асло муболаға бўлмайди. Қолаверса, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари томонидан бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилингани ҳам эътиборга моликдир. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари шулар сирасига киради. Зотан, ана шу ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.

**Ислоҳот**

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Хоразмда "Хива сополи" корхонасининг ўзига яраша ўрни бор. Бугунги кунда у барқарор ривожланиш йўлидан дадил одимламоқда. Сабаби, бу ерда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида илгари сурилган ҳаётбахш ғоялар асосида иш юритилмоқда.**

## КУЛОЛЛИК ЖОЗИБАСИ

Хусусан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш, корхонани модернизациялаш, янги технологиялар асосида маҳаллий хом ашёлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали яхши натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, кулоллик — халқимиз томонидан ардоқланиб келинаётган қадимий ҳунарлардан бири. Бугунги кунда "Хива сополи" МЧЖ томонидан тайёрланаётган лаган, товоқ, гулдон, турли совғабоп буюмларга, айниқса, эҳтиёж катта. Негаки, улар кундалик рўзғор буюмлари қаторида кенг қўлланилади. Қадим шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳларнинг ҳам бу корхона маҳсулотларини севиб харид қилишининг боиси шунда.

— Бунинг учун, — дейди корхона раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Шоназар Аҳмедов, — аввало, сифатли хом ашё бўлиши керак. Олдинлари каналлардан қазиб олинган тупроқни лойга айлантириб, сопол буюмлар тайёрлар эдик. "Туямўйин" сув омбори қурилиб, каналларда лойқа сув келиши тўхтагач, хом ашёни узлуксиз етказиб бериш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Шундай кунларнинг бирида қишлоғимиз чеккасидаги "Сўзанли" кўли ёнида бир тракторчи йигитга дуч келиб қолдим. У ерни ҳайдашда қийналаётгани, яъни плуг пичоқлари синиб кетаётганини айтди. Бир сиқим тупроқни қўлимга олиб, уни майдаламоқчи бўлдим. Ушалмади. Худди ёпишқоқ елимдек эди. Шу тупроқдан озгина олиб, лабораторияда текшириб кўрсак, қаранг, айни бизбоп хом ашё чиқди. Шундан кейин туман ҳокимлиги қарори билан "Сўзанли" ва "Равот" кўллари атрофларидаги маълум миқдордаги ер бизнинг хом ашё базамизга айлантирилди.

**Қадрият**

Бугунги кунда корхонанинг сопол ва чинни буюмлари нафақат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизда, балки Туркманистонда ҳам харидоргир. Ичонқалъада бундай маҳсулотлар сотиладиган дўконлар ишлаб турибди. Чет эллик меҳмонлар ана шу дўконлардан турли сопол ва чинни идишларни, совғабоп буюмларни эсдалик сифатида ўз юртларига олиб кетишни канда қилишмайди.

— Режаларни изчил бажараяпмиз, — дейди бош ҳисобчи Эгамберган Отамуродов. — Ўтган давр ичида 252 миллион 402 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозиргача олинган соф фойдамиз 69 миллион сўмдан ошди.

...Хива сополи ва чинниларида қуёш жилваланади. Боиси, уларда жамоа мутахассислари ишчи-хизматчиларининг ижодкорлиги, ҳалол меҳнати, юксак маҳорати, гўзалликка шайдолиги мужассам.

**Абдулла САФОЕВ.**



## Дастурхонимизнинг файзу баракаси

***Ромитан туманидаги Аттарон қишлоғида яшовчи Рустамовлар хонадонида шу кунларда иш қизғин. "Қиш пайтида-я?" деб ҳайрон бўлманг. Оила аъзолари ҳар йилги одатларига кўра, томорқанинг 5-6 сотихида иссиқхона барпо этишган. Шунинг тенг ярмида бодринг, помидор етиштирилса, қолган қисмида эса помидор кўчати парваришланаяпти.***

— "Бэлла" навли помидор ҳосилдорлиги билан ажралиб туради, — дейди хонадон соҳиби Саъдулла Рустамов. — Ҳар тупидан беш-олти килограммгача сервитамин маҳсулот олиш мумкин. Дейлик, тўрт сотих ердаги иссиқхонадан 4-4,5 тонна ҳосил етиштирилишини ўз тажрибам мисолида яхши биламан. Ер унумдор бўлса, иссиқхонадаги ҳарорат бир меъёрда турса, экинни рисоладагидек парвариш қилсангиз, албатта. Биз помидор кўчати етиштиришда аввал мижозлардан буюртма олиб, кейин ишга киришамиз. Кўчат 50-55 кунда кўчириб ўтқазиш учун тайёр бўлади.

Бухорода экин майдонлари ҳар йили чилла сувига қондирилади. Бошқача айтганда, ер шўри ювилади. Акс ҳолда, ҳосилдорликка путур етиши, тайин. Иссиқхонада эса, табиийки, қишда ер шўрини ювишнинг имкони йўқ. Ваҳолонки, ер ҳам тирик жондек гап. Шу боисдан ҳар беш-олти йилда иссиқхона тупроғини алмаштиришга тўғри келади.

Саъдулла ака қишки мавсумда мижозларга эллик минг тупдан зиёд помидор кўчатини етказиб беради. Помидор ва бодринг етиштириб, шунинг ўзидан беш-олти миллион сўм даромад қилади. Оиласи тинч, рўзғори бут.

— Бозорларимизнинг қишин-ёзин тўкинлигида Саъдулла акага ўхшаган миришкор деҳқонларнинг ҳиссалари катта, — дейди "Ғовсум" МФЙ раиси Ҳумор Ҳамроева. — Кейинги йилларда вилоятимизда томорқа, хусусан, иссиқхона хўжалиги ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Фермер хўжаликларида ҳам иссиқхоналар барпо этилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

**Ибрат**

*Ана шундай фермерлардан бири — ғиждувонлик Сакина Элова. "Ҳамро Жума замин сардори" фермер хўжалиги раҳбари Сакина опа эллик сотих майдонда иссиқхона барпо этган. Бунда унга "Қишлоқ қурилиш банк" филиали томонидан ажратилган 65 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит асқотди. Натижада фермер хўжалиги ишчилари сони беш нафарга кўпайди.*

Шу ўринда бир мулоҳаза. Маълумки, шахсий деҳқон ва фермер хўжаликларида иссиқхоналар кўпаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, етиштирилган маҳсулотга харидор топиш, уни истеъмолчиларга вақтида етказиб бериш масаласини ҳам кун тартибига қўймоқда. Ушбу масала ўз ечимини топса, ана шунда бозорларимиз янада сероблашади, қишлоқларимиз файзига файз қўшилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.00 1 2 3 5